



ХУДУДЛАР ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА УНИ ҚЎЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Кўчқаров Юнусали

Фарғона давлат университети

ORCID: 0009-0004-4452-5949

kuchkarov1972@gmail.com

Аннотация. Мақолада ҳудудларда инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга оширишнинг аҳамияти, унинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни ёритилган, шунингдек “инвестиция” тушунчасига таъриф берилган. Ҳудудлар инвестиция сиёсатини юритиш борасида хорижий тажриба таҳлил қилинган. Фарғона вилоятида инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар баён этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция дастурлар ва лойиҳалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, хорижий тажриба, сармоялар.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РЕАЛИЗАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В РЕГИОНАХ (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Кучкарров Юнусали

Ферганский государственный университет

Аннотация. В статье освещена важность формирования и реализации инвестиционных программ в регионах, их роль в социально-экономическом развитии региона, а также дается определение понятия «инвестиции». Проанализирован зарубежный опыт региональной инвестиционной политики. Описаны работы, проводимые по разработке и реализации инвестиционных программ в Ферганской области.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционные программы и проекты, социально-экономическое развитие, зарубежный опыт, инвестиции.

FOREIGN EXPERIENCE IN IMPLEMENTING INVESTMENT POLICY AND POSSIBILITIES OF ITS APPLICATION IN THE REGIONS (ON THE EXAMPLE OF THE FERGANA REGION)

Kuchkarov Yunusali

Fergana State University

Abstract. The Article highlights the importance of developing and implementing investment programs in regions, their role in the socioeconomic development of the region, and defines the concept of "investment." International experience in regional investment policy is analyzed. The work being carried out to develop and implement investment programs in the Fergana region is described.

Keywords: investments, investment programs and projects, socio-economic development, foreign experience, investments.

Кириш.

Жаҳонда инвестиция сиёсати давлат миқёсида ҳам, халқаро миқёсда ҳам мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан биридир. Давлатнинг бу борада вазифаси инвестиция дастурларини шакллантириш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва уни амалга оширишнинг самарали ечимларини топиш ҳисобланади. Бугунги кунда инвестиция сиёсатини амалга ошириш борасида турли назарий қарашлар мавжуд. Шу нуқтаи назарда, хорижий мамлакатларнинг инвестиция сиёсатини шакллантириш ва уни қўллашнинг ижобий тажрибасини ўрганиш, шу билан биргаликда, ҳудудларнинг салоҳияти, имкониятлари, ихтисослашуви ва шу каби кўрсаткичларини эътиборга олиш ҳар қачонгидан долзарбдир.

Инвестициялар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун зарур бўлган механизмни таъминлайди. 2025 йилда Ўзбекистон Республикасида жами инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 фоизни, иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 миллиард долларни ташкил этган (Мирзиёев, 2026).

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” Қонуни (2019) қабул қилинган. Ушбу Қонунга мувофиқ концессия фаолияти, маҳсулот тақсимолига оид битимлар тузиш, уларни бажариш ва бекор қилиш, инвестиция, пай ва венчур фондлари, капитал бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш, давлат-хусусий шериклик, махсус иқтисодий зоналар соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар алоҳида қонунлар билан амалга оширилади.

Мазкур Қонунга (2019) асосан *инвестициялар* – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда реинвестициялар тушунилади ҳамда улар:

- маблағларни, шу жумладан пул маблағларини (шу жумладан чет эл валютасини), мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;

- кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни);

- интеллектуал мулкка доир мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган бошқа қимматликларни ўз ичига олиши мумкин.

Инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асосий принциплари:

- қонунийлик;

- ошкоралик ва очиқлик;

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;

- адолатлилиқ ва инвестиция фаолияти субъектларининг тенглиги;

- инвесторларга нисбатан камситишга йўл қўймаслик;

- инвесторларнинг виждонлилиги презумпциясидан иборат (Ўзбекистон Республикаси, 2019).

Бундан ташқари, мамлакатда инвестиция ва пай фондлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция

ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонуни (2015) амал қилади. Ушбу қонунга мувофиқ инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс – акциядорлик жамияти *инвестиция фонди* ҳамда инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва ундан ортиқ шахсларнинг — инвесторларнинг ўзи ишончли бошқарувга берган пул маблағлари йиғиндиси *пай фонди* ҳисобланади.

Иқтисодиёт атамаларининг изоҳли луғатида келтирилишича, *инвестиция* – инвестор томонидан бирон-бир фаолиятни амалга ошириш, фойда олиш учун жорий қилинган капитал, сармоя тушунилади. Инвестиция мамлакат ичида ички инвестиция ва хорижий мамлакатлардан ташқи инвестиция киритилиши мумкин. Молия инвестицияси қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш, пул маблағларини жамғариш ва бошқаларни моддий ишлаб чиқаришга сарфланган сармояларни ўз ичига олади (Норқулов ва Маҳмудов 2022).

Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатларида инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш борасида хорижий тажрибани ўрганиш ва тегишли хулосаларни олиш муҳим ҳисобланади. Хорижий давлатлар иқтисодиётида ҳудуднинг инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, турли хил имтиёзлар ва энгилликлар ёрдамида йирик корхоналар ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг эътиборини бир жойга жалб этилиши кузатилади.

Америка қўшма штатлари (АҚШ). Мамлакатнинг инвестиция сиёсати тарихи XIX асрларга бориб тақалади. Дастлаб хорижий сармояларни жалб қилишдан дунё миқёсидаги етакчиликка ва “катта учлик”: Vanguard, BlackRock ва State Street каби инвестиция фондларининг шаклланишига қадар ривожланган. Мамлакатнинг инвестиция сиёсатида илмий-техника ва илмий-тадқиқот ишланмаларини молиялаштириш асосий ўрин олган (Гэлбрейт 2004). Бунда, юқори даражада иқтисодий рақобатбардошликка илмий-техник фаолият, фундаментал тадқиқотлар, илмий-тадқиқот ишланмалар ва янги технологияларни ишлаб чиқариш дастурларига инвестицияларни киритиш орқали эришилган. Ушбу дастурларни молиялаштириш учун маҳаллий ҳокимият органлари, хусусий компаниялар, хайрия ташкилотлари, жамғармалар, хорижий компаниялар, университетлар давлат хусусий шерикчилик асосида жалб этилган. Ер ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш сиёсати, мослашувчан солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати амалга оширилган, дифференциал тариф ставкалари ва имтиёзли кредитлар қўлланилган, шунингдек маълум бир ҳудудни ривожлантириш учун облагациялар ишлаб чиқилган. Умуман олганда, АҚШ амалиётида инвестиция сиёсати барча босқичларда эркин ва ҳукуматнинг кескин паст аралашуви билан тавсифланади (Зюбан, 2014).

Хитой Халқ Республикаси (ХХР). Мамлакатнинг инвестиция сиёсати тарихи 1980 йилларга бориб тақалади. Дастлаб қирғоқбўйи минтақаларда имтиёзли инвестиция муҳитига эга махсус иқтисодий зоналар ташкил этилган. Кейинчалик ХХР инвестиция сиёсати ҳудудийдан ҳудудий-тармоққа ўтиш бошлаган (Кокушкина, 2014). ХХР иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва институционал қўллаб-қувватлаш натижасида ривожланган мамлакатларнинг кучли бешталигига киришга муваффақ бўлди. Мамлакатнинг инвестиция сиёсати бошқа давлатлардан фарқли равишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида қатъий инвестиция режими билан фарқ қилади. Хорижий инвестициялар чекланган соҳа ва тармоқларга жалб этилади (Шафигуллин ва бошқ., 2014). Шу сабабли, ХХРнинг инвестиция сиёсатида ташқи инвестицияларнинг минтақага қандай даражада таъсир этишини аниқлаш муҳим масала саналади. Инвестиция сиёсатида яна бир ўзига хос муҳим жиҳат қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида чегараларо транзит йўлларни қуришга инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, Хитойда инвестиция дастурларини шакллантиришда давлатнинг стратегик режалаштириш тизими муҳим ўрин тутди. Мамлакатда иқтисодий ривожланиш асосан узоқ муддатли стратегиялар ва беш йиллик режалар асосида амалга оширилади. Ушбу режаларда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, инфратузилма ва юқори технологияли соҳаларга инвестиция йўналишлари аниқ белгиланган ҳолда амалга оширилади. Бу эса Давлат томонидан белгиланган устувор йўналишлар иқтисодиёт тармоқларида инвестицияларни мақсадли тақсимлаш имконини беради.

Инвестиция дастурларини амалга оширишда Хитой махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш сиёсати катта аҳамият берди. Бу зоналар хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, солиқ имтиёзлари бериш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилди. Махсус иқтисодий зоналарда маъмурий тартиб-таомиллар соддалаштирилди, замонавий инфратузилма яратилди ва бизнес юритиш учун қулай муҳит шакллантирилди. Натижада бу ҳудудлар саноат ва технологиялар марказига айланиб, мамлакат иқтисодий ривожланишининг драйверларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Хитой тажрибасининг яна бир муҳим жиҳати давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорликдир. Давлат йирик инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва иқтисодий муҳитни барқарор сақлаш вазифасини бажаради, хусусий сектор эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инвестицияларни амалга оширади. Бу ҳамкорлик иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, инфратузилмани ривожлантириш ҳам Хитой инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда темир йўллар, автомобиль йўллари, портлар, аэропортлар ва логистика марказларини барпо этишга катта миқдорда инвестициялар йўналтирилди. Замонавий инфратузилма ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, товар ва хизматлар ҳаракатини тезлаштириш ҳамда ички ва ташқи бозорлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш имконини берди.

Шунингдек, Хитой хорижий инвестицияларни жалб қилишда фаол сиёсат юритди. Мамлакатда хорижий инвесторлар учун солиқ имтиёзлари, ер ва инфратузилма билан таъминлаш, шунингдек қўшма корхоналар ташкил этиш имкониятлари яратилди. Бу чора-тадбирлар халқаро компанияларни мамлакат иқтисодиётига сармоя киритишга рағбатлантирди ва технологиялар трансферига шароит яратди (Кокушкина, 2014).

Корея Республикаси. Жаҳон иқтисодиётида юқори суръатларда ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланган Корея инвестиция сиёсатини самарали ташкил этиш орқали қисқа вақт ичида иқтисодий тараққиётга эришган давлатлардан саналади. Мамлакатнинг иқтисодий муваффақиятида инвестиция дастурларини стратегик асосда шакллантириш, уларни босқичма-босқич амалга ошириш ва давлат ҳамда хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Мамлакатнинг инвестиция сиёсати тарихи 1960 йилларга бориб тақалади. Ушбу давргача мамлакат қишлоқ хўжалигига ихтисослашган дунёдаги энг қашшоқ давлатлардан бири бўлган ((Экономика Республикаси Корея, 2018). Корея Республикаси инвестиция сиёсатини ХХРга ўхшаш жиҳати шундаки, мамлакатда махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш асосий воситалардан бири ҳисобланишидир.

Бугунги кунда мамлакатда тўрт турдаги махсус иқтисодий зоналар фаолият юритади. Корея Республикасининг инвестиция сиёсатида хорижий инвестицияларга асосий эътибор қаратилган (Беликова, 2018). Мамлакат инвестиция сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши инновациялар ва юқори технологияли тармоқларни ривожлантиришга қаратилганидир. Электроника, автомобилсозлик, ахборот технологиялари ва биотехнология соҳаларига катта ҳажмда инвестициялар

йўналтирилган. Натижада Samsung ва Hyundai Motor Company каби йирик трансмиллий корпорациялар шаклланиб, мамлакат иқтисодиётининг глобал рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш жараёнида қатъий таҳлил ва мониторинг тизими қўлланилади. Лойиҳалар иқтисодий самарадорлик, ижтимоий аҳамият ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясига мослиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Харажат ва фойда таҳлили, иқтисодий моделлаштириш ҳамда доимий мониторинг орқали инвестиция дастурларининг самарадорлиги таъминланади.

Бирлашган Араб Амирликлари (БАА). Мамлакатнинг инвестиция сиёсати тарихи 1970 йилларга бориб тақалади. Ушбу даврда мамлакат нефть даромадларига қарамликдан агрессив диверсификацияга ўтади ҳамда дунё миқёсдаги инвесторга (Mubadala) ва марказга айланади. БААнинг ҳудудий инвестиция сиёсати бугунги кунгача бўлган даврда эркин иқтисодий зоналар, туризм, кўчмас мулкни ривожлантириш каби босқичларни амалга оширган ва келгусида сунъий интеллект, логистика ва қайта тикланадиган энергия манбаларига эътибор қаритмоқда (UGSDXB 2024).

Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишда инвестицияларнинг аҳамияти ва ўрни иқтисодчи олимлар тадқиқотларида муҳим ўрин тутди. Хусусан, француз иқтисодчи олими Masse (1971) инвестицияни келгусида иқтисодиётни ривожлантириш, модернизация қилиш ва эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган сармоялардир деб таъкидласа, Keynes (1978) назариясида инвестиция макро ва микро даражада тадқиқ этилган бўлиб, у инвестицияларни яхлит ҳолатда эмас, балки жами иқтисодий ривожланишга таъсири билан баҳолаган. Америкалик иқтисодчи олимлар McConnell ва Brue (2003) ўз тадқиқотларида инвестицияларни ишлаб чиқариш харажатлари ва воситаларини тўплаш, моддий харажатларнинг ошиши сифатида тавсифлайди. Петракова (1993) инвестицияларни бир томондан даромадларни кўпайтиришга йўналтирилган эркин турли хил молиявий ва моддий бойликлар, иккинчи томондан фойда олиш мақсадида сармоя киритилган барча турдаги мулк ва интеллектуал қадриятлардир, деб қарайди, Бланк (2003) инвестицияларни иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига фойда олиш учун киритилган миллий ва хорижий сармоялардир, деб таъкидлайди.

Миллий иқтисодчи олим Назаров (2021) минтақани ривожлантиришда инвестиция, инновацион жараёнларни самарали ташкил этиш ва бошқариш, минтақалар рақобатбардошлигини аниқлаш ҳамда тегишли мавжуд омиллардан мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Янги технологиялар асосида ҳудудий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардош устунликларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш ва инновацияларни жорий этиш бўйича узоқ муддатли стратегияларни кенг кўламли иқтисод ҳамда харажатларни қисқартиришни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш, йирик инвестицияларни жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар билан бирлаштирилиши керак (Ибодова, 2024).

Илғор хорижий тажриба, мавжуд ресурслар, янги замонавий тузилмалар (технопарк, технополис, илмий-тадқиқотлар ёки инновациялар маркази ва ҳ.к.), интеллектуал ва технологик салоҳиятга асосланиб, ҳудудларда саноат зоналарини, соҳавий ёки ҳудудий кооперациялашув билан кластерларни ташкил этиш, уларни жойлаштириш, юқори ва ўрта технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим (Рахимов ва бошқалар, 2022).


Бизнингча, *инвестиция* – давлат иқтисодий сиёсатининг асосий воситаларидан бири бўлиб, маълум бир мақсадларда фаолиятни ривожлантириш, фойда олиш ва даромадларни оширишга йўналтирилган сармоялар тушунилади. Худудда инвестиция дастурларини шакллантиришдан асосий мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини ривожлантириш, инфратузилмаларни яхшилаш, давлат даромадларини кўпайтириш ва бошқа вазифалар ҳисобланади.

Худуднинг инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- инсон ривожланиш индекси;
- худуднинг салоҳияти ва ихтисослашуви;
- худуднинг ўсиш нуқталари ва драйвери;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати таҳлили;
- худудда ресурсларни қайта ишлаш даражаси;
- худуднинг молиявий ҳолати;
- худудда табиий ресурсларни мавжудлиги.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мақолада муаллифнинг Фарғона вилоятида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни барқарорлаштиришда инвестицияларнинг аҳамияти ва мавжуд ҳолат билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган материаллари ҳамда истиқболда эътиборга молик айрим қарашлари келтирилган. Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ишга солинмаган имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг муносиб турмуш даражаси ва бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 декабрдаги “Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-440-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга асосан умумий қиймати 6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳаларини бошлаш, 1,2 мингта инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, 497 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш ва 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспортини амалга ошириш белгиланган.




1-расм. 2020-2025 йилларда Фарғона вилоятида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар динамикаси, млрд.сўм.

2020-2025 йилларда Фарғона вилоятида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,9 баробарга ошган. Хусусан, 2020 йилда 11040,0 миллиард сўм, 2021 йилда 12625,2 миллиард сўм, 2022 йилда 15419,3 миллиард сўм, 2023 йилда 19955,0 миллиард сўм, 2024 йилда 21542,7 миллиард сўм ва 2025 йилда 32466,8 миллиард сўмни ташкил этган (1-расм) (farstat.uz, n.d.). Фарғона вилоятида инвестиция ва ташқи савдо соҳасида ҳам сезиларли ўсишга эришилди. Хусусан, 26 та йирик, 357 та ўрта ва кичик инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, салкам 3 миллиард доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Экспорт ҳажми изчил ошди, экспортчи корхоналарнинг сони кенгайди. Умумий қиймати 8,2 миллиард доллар бўлган янги йирик лойиҳалар пакети шакллантирилган (Қарор, 2026). 2020-2025 йилларда Фарғона вилоятида аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,6 баробарга ошган. Хусусан, 2020 йилда – 2 916,0 минг сўм, 2021 йилда – 3 272,3 минг сўм, 2022 йилда – 3 917,2 минг сўм, 2023 йилда – 4 965,3 минг сўм, 2024 йилда – 5 250,3 минг сўм ва 2025 йилда – 7 759,9 минг сўмни ташкил этган (2-расм) (farstat.uz, n.d.).



2-расм. 2020-2025 йилларда Фарғона вилоятида аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар динамикаси, минг сўм

2020-2025 йилларда Фарғона вилоятида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,1 баробарга ошган. Хусусан, 2020 йилда – 322,3 миллион АҚШ доллари, 2021 йилда – 470,5 миллион АҚШ доллари, 2022 йилда – 957,4 миллион АҚШ доллари, 2023 йилда – 1 341,5 миллион АҚШ доллари, 2024 йилда – 1 781 миллион АҚШ доллари ва 2025 йилда – 2 949,8 миллион АҚШ долларни ташкил этган (3-расм) (farstat.uz, n.d.).



3-расм. 2020-2025 йилларда Фарғона вилоятида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар динамикаси, млн АҚШ доллар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 февралдаги "Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-61 сон қарори қабул қилинган. Унга кўра, 2026 йилда умумий қиймати 4,2 миллиард долларлик лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларнинг 2,7 миллиард доллари саноат, 210 миллион доллари қишлоқ хўжалиги, 1,2 миллиард доллари сервис ва туризм соҳаларига тўғри келади (Қарор, 2026).

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида келтирилган хорижий тажрибалардан ҳамда ҳудудларда инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва қўллаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар таклиф этилади.

1. Ҳудудларнинг инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда минтақавий ривожланишнинг иқтисодий салоҳиятини чуқур таҳлил қилиш асосида устувор инвестиция йўналишларини белгилаш, ихтисослашуви, имкониятлари ва рақобат устунликларини эътиборга олиш. Бунда саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бундан ташқари, ушбу дастурларда илмий-техника ва илмий-тадқиқот ишланмаларига устуворлик бериш (АҚШ тажрибаси).

2. Ҳудудлараро ва тармоқлараро инвестиция алоқаларини мустақамлашга эътибор қаратиш, бунда инвестиция алмашинуви иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш имконияти яратилади, бундан ташқари ташқи инвестицияларнинг минтақага таъсирини ўрганиш (ХХР тажрибаси).

3. Инвестицияларни жалб қилишда ҳудудда махсус иқтисодий зоналар ва саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш, уларда замонавий муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини шакллантириш ҳамда махсус иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ишларни давом эттириш (ХХР ва Корея Республикаси тажрибалари).

4. Инвестициялар киритиладиган соҳа ва тармоқларни диверсификация қилиш (БАА тажрибаси).

5. Ҳудудлараро ва тармоқлараро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда стратегик аҳамиятга эга инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тизимини такомиллаштириш. Бунда, инновацион технологияларни жорий этиш ва рақамли иқтисодиёт элементларини кенг қўллаш орқали ҳудудда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади. Бу борада илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш.

6. Хорижий тажрибанинг ижобий амалиётини мамлакатга татбиқ этиш чораларини кўриш.

7. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш орқали инвестиция муҳитини яхшилаш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш ва инвесторлар учун ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш зарур. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда "ягона дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш.

8. Минтақавий ривожланишда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб

этади. Шунингдек, инсон капитали, илмий ишланмалар ва инновацияларга инвестицияларни кенгайтириш.

9. Иқтисодий фаол зоналар фаолиятини баҳолаш ва натижасига кўра қўллаб-қувватлаш ҳамда кенгайтириш чораларини кўриш.

Адабиётлар /Литература/References:

Investment plans in the UAE (n.d.) Электронный ресурс.
<https://ugsdxb.com/ru/investment-plans-in-the-uae/>

Беликова К.М. (2018) Инвестиционная политика и стратегии привлечения инвестиций в Южной Корее: ретроспектива и современное состояние. Проблемы экономики и юридической практики, № 2, с. 131–136.

Бланк И.А. (2003) Управление инвестициями предприятия. Киев.

Гэлбрейт Дж. (2004) Новое индустриальное общество. Москва: Транзиткнига.

Зюбан Е.В. (2014) Сравнительный анализ развития политики инвестиционной привлекательности на региональном уровне в России и за рубежом. Академия предпринимательства РФ, № 38, с. 62–717.

Ибодова Д.И. (2024) Минтақани ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида). Тошкент: Miron-Art-Design.

Кейнс Дж.М. (1978) Общая теория занятости, процента и денег. Москва: Прогресс.

Кокушкина И.В. (2014) Региональные аспекты формирования инвестиционного климата и инвестиционной политики Китая. Проблемы современной экономики, № 2 (50), с. 305–308.

Макконнелл К.Р., Брю С.Л. (2003) Экономикс. Москва: ИНФРА-М.

Массе П. (1971) Критерии и методы оптимального определения капиталовложений. Москва: Статистика.

Назаров Ш.Х. (2021) Минтақавий иқтисодиёт ва бошқарув. Тошкент: Renessans.

Норқулов И., Маҳмудов О. (2022) Иқтисодий атамаларнинг изоҳли луғати. Тошкент: Sahhof.

Петракова Н.Я. (1993) Инвестиционно-финансовый портфель. Москва: Соминтэк.

Рахимов Ф.Х., Ибодова Д.И., Қўчқаров Ю.С. (2022) Инновацион фаолият асосида иқтисодиётни ривожлантириш тенденциялари. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар, №4 (20), октябрь–декабрь.

Ўзбекистон Республикаси (2015) Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида Қонун, 25.08.2015 й., ЎРҚ-392-сон. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2731863>

Ўзбекистон Республикаси (2019) Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида Қонун, 25.12.2019 й., ЎРҚ-598-сон. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/4664142>

Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси Фарғона вилояти статистика бошқармаси (n.d.) Электрон манба: <https://farstat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments.html>

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2026) Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида, ПҚ-61-сон қарор, 13 феврал.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев (2025) Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

Шафигуллин Л.Н., Голяшев В.А., Юрков Д.В. (2014) Опыт инвестиционной политики Китая и возможность его применения в России. Вопросы экономики и права, № 12, с.48–56.

Экономика Республики Корея (2018) Электронный ресурс. <http://www.ereport.ru/articles/weconomy/skorea.htm>